

## ЛИНГВОПОЭТИКА - ТИЛ ВА АДАБИЁТ МУШТАРАКЛИГИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7786551>



ELSEVIER




Мусулманова Наргиза Рахматиллаевна

Алишер Навоий номидаги ТошдўТАУ доценти

Телефон: 91-222-80-28

Email: Nargizajon75@mail.ru



**Abstract:** Мазкур мақолада лингвопоэтиканинг дунё тилшунослиги ва адабийтшунослигидан тутган ўрни, рус ва Европа олимлари томонидан ўрганилиши, грамматик воситаларнинг тадқики, таҳлили ва уларга тилшунос олимларнинг муносабати ҳакида фикр боради. Лингвопоэтик тадқиқотлар ўзининг узок тарихий ўтмишига эга эканлиги, адабиёт ва лингвистика бир-бираига боғлаб ўрганиш тенденциялари, тил – парадигматик муносабатлар мавжуд бўлмаган ва, аксинча, синтагматик муносабатлар мавжудлигида бирликлар тизимларидан таркиб топган тилшунослик объектига айланганлиги ҳакида олимларнинг фикрларига муносабатлар билдирилади. Лингвопоэтика методология даражасида ўрганилиши унинг лингвистика соҳасида ўзига хос ўрининг эканлиги билан таъкидланади.

**Keywords:** лингвопоэтика, лингвистик поэтика, тенденция, тил, адабиёт, структурализм, методология, экспрессион элемент, парадигма, парадигматика,

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

**Abstract:** This article will be devoted to the role of linguopoetics in world linguistics and literary studies, its study by Russian and European scientists, the study, analysis of grammatical means and the attitude of linguists to them. The attitude is expressed to the opinions of scientists that linguopoetic research has its own long historical past, its tendency of studying literature and linguistics, consisting of interrelated areas of study, linguistic-paradigmatic relations that do not exist, and, conversely, systems of units in the presence of syntagmatic relations. The study of linguopoetics at the methodological level is emphasized by the fact that it occupies a special place in the field of linguistics.

**Keywords:** linguopoetics, linguistic poetics, tendency, language, literature, structuralism, methodology, element of expression, paradigm, paradigmatics,

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 22-03-2023  
Accepted: 22-03-2023  
Published: 22-03-2023

Бадиий асар тилининг лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиниши бугунги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Тилшунослик соҳасида яқин вактлар ичидаги олиб борилган кўплаб тадқиқотлар айнан бадиий асар тилининг лексик-семантиқ, морфологик, синтактик, пунктуацион, стилистик, прогматик, когнитив йўналишлар асосида олиб борилди.

Тилшуносликнинг бадиий асар тилини ўрганиш соҳаси лингвопоэтика бўлиб, у ҳам ўзининг узок ўтмишига, тадқиқ доирасига эгадир. Хусусан, А.А. Потебня, Л. В. Щерба, В.В. Виноградов, В.М. Жирмунский, А. В. Чичерин ва бошқа кўплаб олимларнинг ишларида айнан лингвопоэтиканинг тадқиқига доир кўплаб илмий асосланган маълумотларни олиш мумкин.

Л.В. Щерба бадиий асарни талқин қилишда нафақат ғояга ойдинлик киритиш, балки адабий ижоднинг бадиий томонига ҳам баҳо бериш мухимлигини ва бу билан тилининг индивидуал экспрессион

элементларининг нозик семантик нюансларини тушунмасдан, матнни лингвистик таҳлилисиз мумкин эмаслигини таъкидлайди<sup>194</sup>.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бадиий матнни таҳлил қилишга уринишлар Аристотель томонидан илк бора амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Унинг адабиёт ҳақидаги рисолалари (трактатлари) бадиий асар тилининг энг изчил ва пухта ўрганилган тадқиқотлари хисобланади. Бугунги кунгача унинг лингвопоэтикага оид қарашлари тадқиқотчиларнинг эътибор марказида туради. У ўзининг асарларида нафакат бадиий адабиёт жанрларини таҳлил қилиб, тропларни аниқлаштиради ҳамда нотиқлик санъатининг назарий асосларини келтириди, балки, бадиий ижоднинг моҳияти ва мақсадларини очиб беришга ҳам ҳаракат қиласди.

Демак, тилшунослик ва адабиёт, яъни икки соҳани бирлаштириш ҳаракатлари, уларни бир-бирига боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш тенденцияси узоқ вақтлардан буён амалга оширилаётган жараён бўлиб, янги илмий соҳа – лингвопоэтиканинг пайдо бўлиши вақт масаласи билан боғлиқ бўлган, деган хуносага келишимиз мумкин.

В.В.Виноградов илмий ишларида ҳам бадиий асар тилини ўрганиш бўйича алоҳида филологик соҳанинг зарурати ҳақидаги қарашларни кўриш мумкин. У биринчилардан бўлиб, “лингвистик поэтика” терминини қўллади ва лингвопоэтиканинг мақсад ва вазифаларини филологик соҳанинг бир тармоғи сифатида шакллантириди.

Россия ва Европада лингвопоэтик тадқиқда иккита тенденция мавжуд, яъни тизимли (структур) – семиотик ёндашув ва филологик ёндашув. Биринчи ёндашувга Р. О. Якобсон, А. Греймас, Р. Барт, С. Левин, М. Риффатер, Ю.М. Лотман кабилар кирса, иккинчи ёндашувга В.В. Виноградов, Г.О. Винокур, Л.В. Щерба, Б.В. Томашевский, А.М. Пешковский, О.С. Ахманова, Р.А. Будагов, Э. Аларкос Льорака, Х.-А. Мартинеса каби тилшунос олимлар киради<sup>195</sup>.

Хусусан, Р.Якобсон шеъриятнинг тизимли таҳлилини яратган Ферденанд де Соссюр томонидан таклиф қилинган тилга тизимли ёндашув асосида наср, яъни шеърият – парадигматик танлов ўқининг синтагматик бирикмалар ўқига проекция эканлигини таъкидлайди.

Тилшунослик структурализмининг бошланишида тилшунослик позитивист фан сифатида қурилиб, тил фанининг ишора тизимида аниқ предмети, усули ва вазифаларига эга бўлди. Тил – парадигматик муносабатлар мавжуд бўлмаган ва, аксинча, синтагматик муносабатлар

<sup>194</sup> Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. М.: Учпедгиз, 1957. 97-с.

<sup>195</sup> Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. — М.: «КомКнига», 2006. – 168 с.

мавжудлигидаги бирликлар тизимларидан таркиб топган тилшунослик объектига айланди. Тилни таърифлашда модел, нутқ акти иштирокчиларидан ва уни кўпайтириш шартларидан мустакил лингвистик белги каби тушунчалар пайдо бўлди.

Р.Якобсон тилни код сифатида қўллаш ва ундан фойдаланишнинг функционалистик моделини таклиф қилди. Унинг фикрича, бадиий адабиёт, айникса лирик тилнинг поэтикасини шакллантиришда бой анъана учун бошланғич нуқтага айланди.

“Лингвистик поэтика” атамаси 1960 йилларда бадиий адабиёт тилини ўрганишга қизиқиш пайдо бўлганидан кейин юзага келди. Бироқ, олимлар бу атамани турлича тушунишган. Хусусан, В.В. Виноградов ундан бадиий адабиёт тили эквиваленти сифатида фойдаланган бўлса, В.П. Григориев ушбу атамани бадиий адабиётнинг услуби ёки таркибий поэтика деб ҳисоблайди<sup>196</sup>.

Буюк рус тилшунос олими В.В. Виноградовнинг фикрича, лингвопоэтик тадқиқотнинг вазифаси оғзаки – бадиий ижод ишларида лингвистик бирликларнинг эстетик функциясини ўрганишдир. Ёзувчи ижоди, унинг мавзулари ва образлари ҳамда дунёқараши тил орқали ифода этилганлиги сабабли уларни бадиий асар тилини таҳлил қилиш орқали идрок этиш керак. Бир-бирига боғлиқ бўлган учта: тарих, адабиётшунослик ва тилшунослик фанларининг ўзаро таъсири шароитида адабий асарни тўлиқ ва етарли даражада англаш мумкин бўлади<sup>197</sup>.

В.В. Виноградов тилни ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир қилувчи иккита контекстда ўрганиш зарурлиги тўғрисида тезисни илгари суради, яъни миллий адабий тил ва унинг услублари ҳамда бадиий адабиёт тили жанрлари ва услублари билан: "Бадиий асар тилини ўрганиш бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий-лингвистик, ҳам бадиий-услубий бўлиши керак."<sup>198</sup> У бадиий нутқни ўрганишнинг иккита усулинини белгилаб беради. Биринчиси, бутун оғзаки ва бадиий асарни таҳлил қилиш ва тушуниш, иккинчиси – оғзаки ва бадиий ижод таркибий қисмларининг энг асосий элементлардан бўлган товушлар ва фонемаларни, қабул қилинган қоидалар ва меъёрларга мувофиқ сўзлар ва ибораларга айлантирган ҳолда эстетик ва услубий ўрганиш.

Лингвопоэтика методологиясига ўз хиссасини қўшган олимлардан яна бири – В.М.Жирмунский. Шакл ва мазмун ҳақида гапирав экан у шаклдаги

<sup>196</sup> Полякова, Е. В. Стилистические и лингвопоэтические особенности рассказов Г. Х. Манро :: дис. ... канд. филол. наук / Е. В. Полякова. – Москва, 2014. – 225 с.

<sup>197</sup> Карпова Л.С. Лингвопоэтика повествовательных типов в английских сонетах елизаветинского периода (на материале произведений Э.Спенсера, С.Дэниела, У. Шекспира). – Дис...канд.филол.наук. МГУ им. М.В.Ломоносова. Филол. фак. Каф.англ.языкознания. – М., 2009.

<sup>198</sup> Виноградов В.В. Избранные труды. Поэтика русской литературы. - М., 1976.29-с.

хар қандай үзгариш муқаррар равища янги таркибни ошкор қилишни талаб қилади, гүёки таркиб үзгариши шаклга таъсир қилганидек, деб таъкидлайди. Шундай қилиб, бадиий асар мазмунини тилнинг ифода воситалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда үрганиш лозим. “Шеърият – сўз санъати, шеърият тарихи – сўз тарихи” – деб таъриф беради олим ҳамда поэтика муаммоларини үрганища шеърият тили ва сўзни бошлангич нуқта деб хисоблайди<sup>199</sup>.

Жирмунский бадиий асарни үрганища алоҳида усулларни ажратиб кўрсатиш заруратини таъкидлайди. Бадиий асарнинг жонли бирлигига барча техникалар ўзаро таъсирга эга бўлиб, битта бадиий вазифага бўйсунади, яъни ҳиссий таъсирни кучайтириш истагини бажаради<sup>200</sup>.

А.В.Чечерин тадқиқотларида ҳам бадиий асар тилини үрганиш муаммолари үрганилади. У В.В. Виноградов ва А.А.Потебнялар томонидан бошланган сўзнинг ички шаклини үрганиш лингвопоэтик таълимими ривожлантиради. У сўз ва бадиий асарда мавжуд бўлган умумий хусусиятлар ҳакида фикр билдиради. Мураккаб ички тузилишга эга бўлган сўз бошқа сўзлар билан алоқага киришгандга муҳим мазмунни касб этади<sup>201</sup>.

Бадиий асарнинг лингвистик таҳлили адабиётшунослик таҳлили билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки тил воситасида муаллиф ҳам ўз фикрларини, ҳам айтилганларга ўз муносабатини ифодалаб бера олади. Филологик таҳлилнинг мақсади бу нафақат муаллиф фикрини үрганиш, балки ёзувчининг индивидуал, ўзига хос маҳоратини ҳам үрганиш ҳамdir.

Шундай қилиб, икки ёндашув – тил ва адабиёт услубларининг бирбирига яқинлашуви ва ўзаро тўқнашуви натижасида янги филологик “лингвопоэтика” бўлими пайдо бўлди.

Лингвопоэтика соҳасида охирги қирқ йил ичида Москва давлат университетининг инглиз филологияси кафедрасида О.С. Ахматова, В.Я. Задорнова, А.А. Липгарт каби олимлар В.В. Виноградов томонидан ўрнатилган анъаналар асосида шуғулланиб келишмоқда. В.Я. Задорнова ва А.А. Липгартлар ўрнатилган анъаналарни давом эттириб, ўтмишдошлар тажрибасини умумлаштиришди ва янги илмий ёндашув амалиёти учун назарий асос яратдилар.

Профессор Липгарт лингвопоэтикага "бадиий матнда ишлатиладиган услугбий белгиланган лингвистик бирликлар уларнинг функциялари ва

<sup>199</sup> Жирмунский В.М. Поэтика А. Блока // Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - Л., 1971. 21-с..

<sup>200</sup> Жирмунский В.М. Поэтика А. Блока // Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - Л., 1971. 34-с.

<sup>201</sup> Карпова Л.С. Лингвопоэтика повествовательных типов в английских сонетах елизаветинского периода (на материале произведений Э.Спенсера, С.Дэниела, У. Шекспира). – Дис...канд.филол.наук. МГУ им. М.В.Ломоносова. Филол. фак. Каф.англ.языкознания. – М., 2009.

маълум ғоявий-бадиий таркибни етказиш ва эстетик аҳамияти масалалари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиладиган филологиянинг бўлимни" деб аниқ таъриф берди<sup>202</sup>.

Професор В. Я. Задорнова эса тадқиқот мавзусини белгилади. Унинг фикрига кўра, бу "бадиий асарда ишлатиладиган лисоний воситаларнинг умумийлиги, унинг ёрдамида ёзувчи ўзининг ғоявий ва бадиий концепциясини ўзида мужассам этиши учун зарур бўлган эстетик таъсирни беради"<sup>203</sup>.

Шунингдек, у лингпоэтик таҳлил методологиясининг батафсил тавсифини беради. Ва ўрганилаётган мавзу бўйича илмий адабиётларни батафсил таҳлил қилгандан сўнг, у бадиий асарларнинг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги лингвопоэтик таҳлилнинг ягона услубини шакллантиришга тўсқинлик қиласи, шу муносабат билан турли хил услубий ёндашувлар пайдо бўлди деган холосага келади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, лингвопоэтик таҳлилнинг мақсади оғзаки ва бадиий ижод жараёнида маълум бир тил бирлиги муаллиф томонидан қандай таркибга киритилганлигини, лингвистик воситаларнинг у ёки бу ноёб бирикмаси қандай қилиб бу эстетик эффектни яратишга олиб келишини аниқлашдир<sup>204</sup>.

Демак, тил ва адабиёт муштараклиги уларнинг бир-бирини тўлдириши, бир-бирини тақозо этиши билан белгиланараб экан, тадқиқ жараёнида турли бадиий асарларнинг лингвистик таҳлили бир неча асрлардан бўён ўз тадқиқига эга. Биз нафакат рус ва Европа тилшунослигида, балкий туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида яратилган ноёб асарларнинг лингвистик, яъни грамматик воситаларнинг қўлланилиши доирасида таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ўзбек олимларининг бу борадаги қарашлари, илмий-тадқиқот ишлари ва нашрлар асосида лингвопоэтиканинг кенг миқёсда ўрганилаётганига бир неча бор гувоҳ бўлдик.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Виноградов В.В. Избранные труды. Поэтика русской литературы. - М., 1976.29-с.
2. Жирмунский В.М. Поэтика А. Блока // Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - Л., 1971. 21-с..

<sup>202</sup> Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. — М.: «КомКнига», 2006. 18-с.

<sup>203</sup> Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: дис. ... д-ра филол. Наук: В.Я. Задорнова; МГУ им. М. В. Ломоносова – М., 1992. 19-с.

<sup>204</sup> Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: дис. ... д-ра филол. Наук: В.Я. Задорнова; МГУ им. М. В. Ломоносова – М., 1992. 70-с.

3. Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: дис. ... д-ра филол. наук: В.Я. Задорнова; МГУ им. М. В. Ломоносова – М., 1992. 19-с.
4. Карпова Л.С. Лингвопоэтика повествовательных типов в английских сонетах елизаветинского периода (на материале произведений Э.Спенсера, С.Дэниела, У. Шекспира). – Дис...канд.филол.наук. МГУ им. М.В.Ломоносова. Филол. фак. Каф.англ.языкознания. – М., 2009.
5. Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М.: «КомКнига», 2006. – 168 с.
6. Мусулманова Н. Integration of language and education in Uzbekistan. INTERNATIONAL CONFERENCE: ACTUAL PROBLEMS AND SOLUTIONS OF MODERN PHILOLOGY Published by Research Support Center Section 4: Integration of language and education <https://doi.org/10.47100/.v1i2.300> 2021.01.02.
7. Мусулманова Н. Абдулла Орипов шеъритида морфологик воситаларнинг грамматик маънолари. “Ўзбек тилишунослиги масалалари” илмий мақолалар тўплами. Қарши. Насаф нашриёти. 2018 йил № 8. 18-20-б.
8. Полякова, Е. В. Стилистические и лингвопоэтические особенности рассказов Г. Х. Манро :: дис. ... канд. филол. наук / Е. В. Полякова. – Москва, 2014. – 225 с.
9. Щерба Л.В. Избранные работы по русскому языку. М.: Учпедгиз, 1957. 97-с.